ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК **947.085**

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ЕВРОПА ҲУДУДИДА ФАШИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ИШТИРОКИ

А.Мамажонов

Мақолада Иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган фашизмнинг инсоният бошига келган офат эканлиги, унга қарши курашда андижонлик юртдошларимизнинг иштироки ҳамда уларнинг Европа ҳудудини фашистлардан озод қилиш учун олиб борилган оғир жанглардаги фаол иштироки ҳақида вилоят архивида сақланаётган ҳужжатли манбалар асосида маълумотлар тақдим этилган. Хусусан, Андижондан урушга сафарбар қилинган 14 нафар жангчининг фронтдаги ва урушдан кейинги фаолияти ҳужжатли асосда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши,фашизмнинг босқинчилиги, антифашист кучлар, Европа ҳудудидаги ҳаракатлар, фронтдаги иштирок, жанговарлик.*

В статье фашизм расмматривается как величайшее зло, принесшее человечеству ужасы Второй мировой войны. На основе хранящихся в областном архиве документов описывается участие андижанцев в данной войне, представлены документальные сведения об их их участии в ожесточенных боях за освобождение Европы от нацистов. В частности, на документальной основе подробно освещена фронтовая и послевоенная деятельность мобилизованных из Андижана 14 участников войны.

Ключевые слова: *Вторая мировая война, нашествие фашизма, антифашистские силы, европейские движения, участие на фронте, война.*

Ўзбекистоннинг советлар даври тарихидаги кенг ёритилмаган мавзуларидан бири бу юртдошларимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, фронт орқасидаги меҳнат фаолиятлари бўлиб, бу масалани чуқур ўрганиш тарихчиларимиз олдида турган ўта муҳим ва долзарб вазифалардандир.

«Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида қўрқинчли из қолдирди. Хароб бўлган, чордеворга айлантирилган шаҳарлар ва қишлоқлар, ер билан яксон қилинган моддий-маданий объектлар юз миллионлаб тани ва юраги жароҳат олган, ҳаёти барбод бўлган кишилар Иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш оқибатлари бўлди» [1. Б. 6].

Ҳақиқатдан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши тарихига назар солсак, унинг ҳали ўрганилмаган қирраларини гувоҳларнинг эсдалик ва хотиралари ҳамда архив материаллари асосида синчковлик билан ўрганиш зарурати кўзга ташланади.

Таъкидлаш керакки, Иккинчи жаҳон уруши XX асрнинг энг катта фожиаси бўлди. «У 1939 йилнинг 1 сентябрида Германиянинг Польшага ҳужуми билан бошланди. Уруш 1 млрд. 700 млн. Аҳолига (ер курраси аҳолисининг 80 фоизи) эга бўлган 72 давлатни ўз жабҳасига тортди, 6 йил давом этган бу қирғинда 50 миллиондан ортиқ киши қурбон бўлди. У бутун инсоният тақдирига хавф солди, бу уруш Ўзбекистон халқлари учун ҳам оғир синов йиллари бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси совет ҳокимияти ёки тузумини эмас, балки фашизмнинг инсоният бошига қандай талафотлар етказаётганлигини, унинг инсоният кушандаси эканлигини англаб етганлиги туфайли фашизмга қарши курашга отланди» [2. Б.197].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек, «Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, маълумотларга қараганда, уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошларимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида четда қолиб кетгани албатта адолатдан, деб бўлмайди» [3. Б.1 – 2], деганлари тарихчиларни иккинчи жаҳон уруши бўйича архивларда мавжуд манбаларни яна бир бор қайта ўрганишга чорлайди.

«Андижонликлар бир тан, бир жон бўлиб фашистлар босиб олган худудларни босқинчилардан озод қилишда, Европани, аслида бутун инсониятни фашизм балосидан озод қилиш ва сақлашда фаол иштирок этдилар. Урушнинг биринчи

кунлариданоқ Андижон ёшларидан 9000 нафари фронтга жўнаб кетган. Андижон вилоятидан ҳаммаси бўлиб 97 минг киши урушга сафарбар қилинган» [4. Б. 320]. Кейинги тадқиқот ишлари юқоридаги статистик маълумотларда муҳим ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Андижонликлар ҳақида 90-йилларда тадқиқотчи М.Раҳимов томонидан «Андижонлик ўн баҳодир» номли лавҳа тайёрланиб, унда андижонлик қаҳрамонларнинг фронтдаги жасоратлари кўрсатиб ўтилган» [5. Б. 3 – 30].

«Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам беқиёс катта талофат келтирди. Минглаб аёллар бева ва болалар етим бўлиб қолдилар. Ота-оналар фарзандлари доғида қайғу-алам билан бу дунёдан кўз юмдилар. Уруш йилларида чек-чегараси йўқ ҳаражатлар халқни шу даражада қашшоқлаштирдики, таърифлашга қалам ожизлик қилади. Қанчадан-қанча одамлар очлик ва касалликлардан ўлди. Уруш ўзбек халқининг бор-йўғидан тамомила айирди, кўрпа-ёстиғи, бошқа рўзғор анжомларидан маҳрум бўлди, уй-жойи харобага айланди, оч ва юпун бўлиб қолди. Очарчилик ва касалликлар қишлоқларда авжига миниб, кўп одамларнинг ёстиғини қуритди. Болаларнинг орасида ҳам ўлим кўп учрарди. Бироқ шўро давлатининг эътиборсизлиги туфайли уруш вақтида орттирилган қийинчилик ва азоб-уқубатлар тамомила бартараф қилинмади» [6. Б. 2– 3].

«Иккинчи жаҳон уруши, моҳиятан, ғайриинсоний, деструктив воқеа ҳисобланади, аммо у давлатлараро ва халқаро интеграцияни, ҳамкорликни умумсайёравий поғонага кўтарди» [7. Б. 97].

Қуйида Андижон вилоятидан армия сафига чақирилиб, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, шу даврда Европа, жумладан, Австрия, Венгрия, Болгария,Чехословакия, Руминия, Польша, Шарқий Пруссия, Германия ҳудудларида фашизмга қарши курашган андижонлик ҳарбийларнинг олиб борган жанглари, немисларни Европадан қувиб чиқиш, бу ҳудудларни фашизм зулмидан озод этишдаги иштироклари ҳақида Андижон вилояти давлат архиви материаллари асосида қисқача маълумотлар берилади.

1. Агаев Казум Бабоевич – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1905 йил 1 майда Озарбайжон Республикаси, Боку губернияси, Шамакин уездида хизматчи оиласида туғилган, миллати озарбайжон, маълумоти 4-класс, 1947 йил 1 январдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №9493752, урушгача 1934 – 1942 йилларда Избоскан район совети алоҳида ишлар бўлими раиси лавозимида ишлаган, 1942 йил Пахтаобод РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган, 1942 – 1946 йилларда Қизил Армия сафида хизмат қилган, 1942 йилдан 1-Украина фронтида взвод командири бўлган, 1945 йил 1 – 12 январь кунлари Польшанинг Колбашев шаҳрини, Австрияни фашистлардан озод қилишда қатнашган, 1945 йил 6 майда ярадор бўлган. 1946 йили демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1946 – 1948 йилларда Пахтаобод РИК кадрлар бўлими мудири лавозимида ишлаган.

1944 йил 3 сентябрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Жанговар хизматлари учун» медали, 1945 йил 25 майда 120-ўқчи дивизия тавсияси билан «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 12 сентябрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилганғалаба учун» медали билан мукофотланган [8. Б.1 – 5].

2. Асриддинов Хамид – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1919 йил Ленин райони, Кужган қишлоқ советида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тўлиқсиз олий, партиясиз, урушгача 1940 – 1942 йилларда Кужган қишлоқ совети ҳудудидаги 19-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, 1942 йил Ленин РВК томонидан армия сафига чақирилган, оддий жангчи, 1942 – 1945 йилларда 1- ва 2-Украина фронтининг ҳаракатдаги 40-армия, 112-алоҳида ВНОС ротасида алоқачи бўлиб хизмат қилган, 1942 йил Воронеж шаҳри учунбўлган жангларда енгил ярадор бўлган, 1944 – 1945 йилларда Руминия, Венгрия, Чехословакия, Польшани фашизмдан озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этган, 1945 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1945 йилда Ленин райони Санд қишлоқ совети ҳудудидаги 21-сон етти йиллик мактаб ўқитувчиси ва директори лавозимида ишлаган.

Уруш қатнашчиси сифатида ҳеч қандай орден ва медаллар билан мукофотланмаган [8. Б.1– 4].

3. Абдуллаев Тургун – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1924 йил 15 декабрда Балиқчи район, Чинобод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти 10 класс, партиясиз, урушгача 1940 – 1942 йилларда Қўштепасарой қишлоқ совети ҳудудидаги 3-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган,1942 йилда Балиқчи РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган.1942 – 1949 йилларда Иттифоқ ИИВ ихтиёридаги Қизил Армияда радиотелеграфист бўлиб хизмат қилган, 1945 йил 6сентябрда бандитларга қарши курашда ярадор бўлган.1948 йил 14 октябрда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1949 йил 1 мартдан Чинобод район МСБ(ЦСУ)да статист сифатида ишлаган.

1946 йил 6 июнда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1948 йил 2 июнда «Варшавани озод қилганлик учун» медали, 1949 йил 12 декабрда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган [9. Б.1 – 4].

4. Александрова Валентина Тимофеевна – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1921 йил 16 декабрда, Фарғона область Горчакова станциясида деҳқон оиласида туғилган, миллати рус, маълумоти 7 класс, 1945 йил 1 майдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №7476883, 1937 – 1942 йилларда Ленин райони пахта заводида катта лаборант лавозимида ишлаган, 1942 йил Ленин ГВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган. 1942 йил 5 майдан 1945 йил 12 июнгача Қизил Армия хизматида бўлган, 1-Белорус фронти 16-ҳаво (воздушной) армиясида типографист-морзист сифатида хизмат қилган. 1944 – 1945 йилларда Польша ва Германияни фашизмдан озод қилишучун бўлган жангларда иштирок этган, 1945 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1945 йил 1 сентябрдан Ленин шаҳар молия бўлимида молиячи лавозимида ишлаган.

1945 йил 1 январда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Варшавани озод қилганлик учун» медали, 1945 йил 2 майда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Берлинни озод қилганлик учун» медали, 1945 йил 10 июнда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган [9. Б.1 – 3].

5. Аҳмедов Мамадали – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1910 йил 16 январда Чинобад район Хўжаобод қишлоқ советида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти ўртадан юқори. 1944 йил январдан ВКП(б) аъзоси, партия билети №6049948. 1932 – 1942 йилларда Балиқчи район халқ маорифида мактаб ўқитувчиси ва директори, халқ маорифи мудири лавозимида ишлаган. 1942 йил Балиқчи РВК томонидан армия сафига чақирилган, 1942 – 1946 йилларда Ўш шаҳрида сиёсий бўлим раҳбарлари тайёрлаш мактабида ўқиган, Фарғона шаҳар лекторлар полки сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган, Тошкент шаҳридаги умумқўшин ҳарбий-ўқув юртида ўқиб, пиёда қўшинлар командири бўлиб тайёрланди ва 259-полкда взвод командири сифатида хизмат кўрсатган, уруш давомида Украина, Молдавия, Руминия, Болгарияда взвод командири сифатида хизмат қилган. 1946 январда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, Балиқчи район мактабларида ўқитувчи ва халқ маорифи мудири бўлиб ишлаган.

Уруш қатнашчиси сифатида ҳеч қандай орден ва медаллар билан мукофотланмаган [9. Б.1 – 4].

6. Султонов Талип Садикович – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1925 йил 28 март Холдаванбек район Сталин қишлоқ советида ишчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти тўлиқсиз ўрта, 9 класс. Партиясиз. 1943 йил Сталин РВК томонидан армия сафига чақирилган, 1943 – 1950 йилларда фронтда бўлган, сержант, 106-артиллерия полкида разведка бўлими командири сифатида хизмат қилган. 1944 йили енгил яradор бўлиб контузия олган, бу умумий соғлиғига таъсир қилмаган.1950 йил 28 январда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, Холдаванбек район комитети спорт бўлими раиси лавозимида ишлаган.

1945 йил 10 апрелда қўмондонликнинг 59-рақамли буйруғи билан «Жасурлик учун» («За отвагу») медали, 1945 йил 15 декабрда Вена шаҳрини штрум қилишдаги иштироки учун СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Венани озод қилганлик учун» медали, 1946 йил 14 майда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1947 йил 22 февралда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган [9. Б.1 – 4].

7. Усмонов Раҳмон – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1926 йил Андижон райони, Оқёр қишлоқ советида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик, маълумоти 10 класс, 1943 йил 1 июлдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №5613631, урушгача 1939 – 1941 йилларда Пахтаобод район савдо бўлими мудири лавозимида ишлаган, 1941 йил Андижон ОВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган. 1941 йил 20 декабрдан 1946 йил 15 августгача Қизил Армия хизматида бўлган, Пенза Артиллерия билим юртига ўқишга қабул қилинган, 1942 йили билим юртини тамомлаб лейтенант унвони олган ва 64-армия, 157-ўқчи дивизиясининг 120-артиллерия дивизиясига хизматга келган, 1943 йил батальон командири бўлган. 1944 – 1945 йилларда Польша, Шарқий Пруссияни фашизмдан озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этган, 1946 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1946 йилдан Андижон область техник материаллар таъминлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

1943 йил 15 августда дивизия командири тавсияси билан ҳарбий жасорати учун «Қизил Юл-

дуз» ордени, 1944 йил 28 февралда жанглардаги фаоллиги учун дивизия командири тавсияси билан 2-даража Ватан уруши ордени, 1945 йил 20 мартда 1-даража Ватан уруши ордени, 1943 йил 15 июнда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Сталинград мудофааси учун» медали, 1945 йил 18 августда «Варшавани озод қилганлик учун» медали ҳамда 1946 йил 5 майда «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган [9. Б.1**–** 3].

8. Гаффаров Усмон – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1924 йил Жалақудуқ район, Охунбобоев қишлоқ совети, Фрунзе кўчаси 384-уйда камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти 7 класс, 1946 йил 15 апрелдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №9210914, 1942 йил Жалақудуқ РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган. 1942 **–** 1945 йилларда Қизил Армия сафида кичик сержант, санинструктор бўлган, 1944 йил июнь ва 1945 йил сентябрь ойларида Польша (Варшава) ва Германия (Берлин)гача борган. 1945 йили демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1945 йил декабрдан Жалалқудуқ РК ЛКСМ инструктори лавозимида ишлаган.

1945 йил 30 апрелда жанговор топшириқларни бажарганлиги учун армия қўмондони тавсияси билан «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган. 1945 йил сентябрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Варшавани озод қилганлик учун» медали билан тақдирланган [10. Б.1 **–** 3].

9. Григорьев Алексей Михайлович – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1912 йил Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати рус, маълумоти ўрта, партиясиз, 1938 – 1942 йилларда Ленин РОСХда катта земловотчик бўлиб ишлаган. 1942 йил Ленин РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган.1942 йилда Калинин фронтида,1942 йили жануби-ғарбий 3-Украина фронтида, 1944 – 1946 йилларда 1-Белорус фронтларида ҳаракатдаги армияда батерея командири лавозимида хизматда бўлиб, Польша (Варшава)ни фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этиган, Германиягача борган. Жанглар давомида уч марта яралар бўлган, икки марта контузин бўлган ва 1946 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1946 йил май ойидан Ленин шаҳар ПО савдо бўлими мудири вазифасида ишлаган.

Армия тавсияси билан жанглардаги жасорати учун 2-даража Ватан уруши ордени, армия тавсияси билан «Қизил Юлдуз» ордени, «Варшавани озод қилганлик учун», «Берлинни озод қилганлик учун», «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган [10. Б.1 **–** 4].

10. Мамадалиев Набиджан – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1925 йил 1 майда Чинобод район Эски Ҳаққулобод қишлоқ советида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти 9 класс, 1945 йил апрелдан ВКП(б) аъзоси, партия билети №7973065. 1942 **–** 1943 йилларда эски Ҳаққулобод қишлоқ совети бухгалтери, 1943 йили Чинобод РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган,1943 **–** 1950 йилларда Қизил Армия сафида катта сержант, ўқчи-автоматчи, танк ва бронетранспорт командири бўлган, 2-Украина ва 2-Белорус фронтларида хизмат қилган. 1944 йил 25 декабрдан 1945 йил 30 майгача Польша ва Германияда фашист босқинчиларига қарши курашган.1950 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1950 йил май ойидан Чинобод РИК маориф бўлими мудири лавозимида ишлаган.

1945 йил 1 апрелда Данциг шаҳри учун бўлган жангларда кўрсатган жасоратиучун 8-механизациялашган дивизия тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени, СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Кёнигсбергни озод қилганлик учун» медали, «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, «Совет Армияси ва флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган [10. Б. 1 **–** 4].

11. Мамитов Умрзак Хайитович – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1925 йил 1 майда Хўжаобод район Эски Хўжаобод қишлоқ советида Сталин номли колхозда камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати қирғиз, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 7 класс, партиясиз. 1933 **–** 1943 йилларда Эски Хўжаобод қишлоқ совети ҳудудидаги мактабда ўқиган ва ишлаган, 1943 йили Хўжаобод РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган,1943 **–** 1947 йилларда Қизил Армия сафида сержант, ўқчи-автоматчи, танк ва бронетранспорт командири бўлган, 2-Украина ва 2-Белорус фронтларида хизмат қилган. 1944 **–** 1945 йилларда Польша, Чехословакия, Руминия, Венгрия ва Германияда фашист босқинчиларига қарши курашган.1944 йилда ўнг қўлидан қаттиқ яралар бўлган. 1947 йилда демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1947 йил май ойидан Сталин номли колхозда табелчи бўлиб ишлаган.

1944 йилда жангларда кўрсатган жасорати учун 128-гвардия,1-дивизия, 315-полк тавсиясига кўра, «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, «Совет Армияси ва флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган [10. Б.1 **–** 4].

12. Рахмонов Аскар – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1918 йил Андижон шаҳар Оқёр қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, 1941 йил 15 апрелдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №4083226, урушгача Тошкент шаҳар юридик мактаби тингловчиси, 1938 **–** 1940 йилларда Полтава шаҳрида ҳарбий хизматда бўлган, 1941 **–** 1945 йилларда шимоли-ғарбий ва 1-Белорус фронтларида хизматда бўлиб, Германиягача борган. 1941 **–** 1945 йиллар давомида гвардия капитани, рота сиёсий раҳбари, батальон командири ўринбосари ва 1-Белорус фронти сиёсий раҳбари бўлган. 1945 йил февраль-апрель ойларида Польша(Варшава)ни фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этган. Икки марта ўнг қўли ва ўнг оёғидан енгил ярадор бўлган.1948 йил апрель ойида демобилизация қилинган.

1944 йил сентябрь-октябрь ойларида икки марта 1-зарбдор армия тавсияси билан жанглардаги жасорати учун «Қизил Юлдуз» ордени, октябрь ойида 2-даража Ватан уруши ордени, 1945 йил май ойида 3-зарбдор армия тавсияси билан «Қизил байроқ» ордени ва «Варшавани озод қилганлик учун» медали билан тақдирланган [10. Б.1 **–** 4].

13. Рахмонов Якубжан – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1913 йил, Избоскан районида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1946 йил 15 февралдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №8745531, урушгача 1939 **–** 1941 йилларда Ўртақияр қишлоқ совети худудидаги Сталин колхозида кассир-омборчи бўлиб ишлаган. 1941 йил Избоскан РВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган.1941 **–** 1945 йилларда 1-Украина фронтида оддий жангчи сифатида хизматда бўлиб, Германиягача борган. 1944 **–** 1945 йиллар давомида 1-Украина фронтида Польша (Варшава)ни фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этган. 1945 йил ярадор бўлган ва демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1945 йилдан Избоскан РИК савдо бўлимига қарашли деҳқон бозори раҳбари вазифасида ишлаган.

1945 йил 9 майда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун»медали, 1946 йил 6 июнда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган [10. Б.1 **–** 4].

14. Собиров Мамаджан Солиевич – шахсий ҳужжатлари йиғмажилди маълумотларига кўра, 1918 йил Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти 7 класс, 1945 йил 15 майдан ВКП(б) аъзоси, партия билети рақами №7478307, урушгача 1935 **–** 1938 йилларда Ленин район Иттифоқ қишлоқ советида бухгалтер бўлиб ишлаган, 1938 йил Андижан ГВК томонидан Қизил Армия сафига чақирилган. 1938 **–** 1946 йилларда Қизил Армия сафида кичик командир, 2-армия ДВФ 411-артиллерия полки,1-Белорус фронти 86-артиллерия бригадаси, 1-Украина фронти 140-артиллерия бригадаси фронтларида хизмат қилган. 1944 йил 1 январда ва 1945 йил 2 майда ярадор бўлган. 1944 йил августдан 1945 йил сентябргача Польша, Чехославакия, Австрия, Венгрия, Руминия ва Германияда фашист босқинчиларига қарши курашган. 1946 йил демобилизация қилинган. Урушдан қайтгач, 1946 йилдан Андижон РИК маданий оқартув бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

1944 йил 27 июнда мудофаа учун бўлган жангларда жанговар вазифани бажарганлиги учун 140-артиллерия бригадасининг 31-армия тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 27 апрелда 31-армия артиллерия полки тавсиясига биноан 2-даража Ватан уруши ордени, 1945 йил 11 сентябрда 31-армия артиллерия полки тавсиясига кўра «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 9 майда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Кёнигсбергни озод қилганлик учун» медали ҳамда «1941 **–** 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган [10. Б.1 **–** 3].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида халқлар елкама-елка Ватан ҳимоясига отландилар, ғалабага оммавий қаҳрамонлик ва матонатли ирода намойиш этдилар. Фашист босқинчиларини тор-мор этиб, дунё халқларини асорат ва қирилиб кетишдан қутқариб қолдилар» [11. Б. 3], Европада қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг авж олишида ҳам ўзбек халқи ва андижонлик жангчилар фашизм устидан қозонилган ғалабага, Европа ва Осиё мамлакатларини босқинчилардан озод қилишга муносиб улуш қўшдилар. Ўзбекистонликларнинг ҳарбий жасорати Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона тугалланишига маълум ҳисса бўлди.

Қ.Усмонов ва М.Содиқовлар томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари 1-курс талабалари учун тайёрланган «Ўзбекистон тарихи» дарслигида «Ўзбекистонликлар Европа халоскори» мавзусида фикр билдирилган [12. Б.172 **–** 174].

Хулоса қилиб айтганда, «Фашизм устидан қозонилган буюк тарихий ғалаба совет халқларини ва инсониятни, жумладан, Европани фашизм асоратидан сақлаб қолди» [13. Б. 701].

Буюк истиқлолимиз туфайли яқин ўтмишимиздаги қаҳрамонона, фожеали воқеаларни чуқур англаш, ота-боболаримиз бошига тушган оғир мусибатларни, ўтмишнинг аччиқ, ҳасратли саҳифаларини билишга, улардан сабоқ олишга маънавий-руҳий эҳтиёж сезилмоқда. «Тарихий хотира миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиши, бу ўтмишни таҳлил қилиш, ундаги бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳияти ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни талаб қилади» [8. Б. 207]. Иккинчи жаҳон урушининг азоб-уқубатларини тортган юртдошларимизнинг айримлари ҳозирда ҳаёт, вафот этганларнинг зурриётлари, оила аъзолари, яқинлари бор. Улар учун Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги бор ҳақиқат ва уни хотиралаш бениҳоя зарур ва ардоқлидир.

Адабиётлар:

1. *Саламов Ш.Н.* Ғоялар жанги XIX – XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ. **–** Тошкент: Истиқлол нури, 2017.**–** 312 б.

2. *Зияева Д.Х.* Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи. **–** Тошент: Шарқ, 2012. **–** 256 б.

3. *Мирзиёев Ш.* Аждодларимизнинг мислсиз жасорати ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2020 йил 10 май.

4. *Шамсутдинов Р., Исҳоқов А.* Андижон тарихидан лавҳалар. **–** Тошкент: Шарқ, 2013. –592 б

5. *Раҳимов М.* Андижонлик ўн баҳодир. – Андижон: Матбуот, 1995. – 30 б.

6. *Зиёев Ҳ.* Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2003 йил 25-сон.

7. *Қандов Б.* Глобаллашув жараёнларининг назарий-фалсафий масалалари // Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида (Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 119 б.

8. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /А.Жалолов, Қ.Хоназаров умумий таҳририда. – Тошкент: Шарқ, 2000. **–** 320 б.

9. ЎзР АВДА. Фонд-608, 1-рўйхат, ишлар –100, 132.

10. ЎзР АВДА. Фонд-608, 1а-рўйхат, ишлар – 83, 111, 140, 540, 601.

11. *Обломуродов Н.* Ўзбекистоннинг фашистлар оккупациясидан зарар кўрган районларга ёрдами. – Тошкент: Фан,1985. – 52 б.

12. *Усмонов Қ.,Содиқов М.* Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 256 б.

13. *Жуков Г.К.* Воспоминания и размышления. – Москва: Новости, 1972. – 702 б.

14. ЎзРАВДА. Фонд-608, 2-рўйхат, ишлар – 205, 217, 369, 384, 479, 484, 498.

PARTICIPATION OF OUR COUNTRIES IN THE STRUGGLE AGAINST FASCISM IN EUROPE

A.Mamajonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 40 – 46.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *World War II, the invasion of fascism, anti-fascist forces, movements in Europe, participation on the front, warfare.*

The introductory part of the article says that one of the topics not covered in the history of Uzbekistan in the Soviet era is the participation of our compatriots in World War II, the work behind the front. The fact that the approach to the topic in the available sources is based on ideological principles adds to the urgency.

World War II was the greatest tragedy of the twentieth century, beginning on September 1, 1939, with the German invasion of Poland. 700 mln. attracted 72 countries with a population (80% of the world's population); More than 50 million people were killed in the 6-year-old massacre. This war, which threatened the fate of all mankind, was a difficult one for the peoples of Uzbekistan. The article emphasizes that the people of Uzbekistan did not fight against the Soviet government or regime, but because they realized that fascism was a disaster for humanity.

During the study of the subject, it was estimated that before the Second World War, the population of our country was 6,551,000, of which about 1.5 million took part in the war. According to further research, about 1,951,000 people from Uzbekistan were mobilized for

the war, and one in three Uzbeks took up arms and fought against fascism. It was noted that the names and destinies of about 451,000 of our compatriots who took part in the fierce battles have been ignored for so many years, and it has been enriched with new sources.

The article describes participants of the war from Andijan who fought in World War II, including Austria, Hungary, Bulgaria, Czechoslovakia, Romania, Poland, East Prussia, and Germany. , a brief account of their participation in the liberation of these territories from fascist oppression on the basis of documents from the regional state archives. Uzbeks, especially those from Andijan, have also been implicated in the rise of resistance in Europe.

The materials analyzed in the article prove that our compatriots have made a worthy contribution to the victory over fascism and the liberation of European and Asian countries from invaders. A serious study of these materials and a scientific justification of the contribution of our compatriots to the victory over fascism is of great scientific and socio-political importance in the current geopolitical context - an attempt to assimilate and contribute to this great victory of universal significance.

References:

1. Salamov, Sh. N. (2017) *G‘oyalar jangi XIX-XX asr Turkiston va Janubiy Kavkaz* [The Battle of Ideas XIX-XX centuries Turkestan and the South Caucasus]. Tashkent: Istiqlol nuri.

2. Ziyaeva, D.X. (2012) *O‘zbekistonda harbiy ish tarixi* [History of military work in Uzbekistan]. Tashent: Sharq.

3. Mirziyoev, Sh. (2020) Ajdodlarimizning mislsiz jasorati yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga xizmat qiladi [The unparalleled courage of our ancestors serves to educate the younger generation in the spirit of patriotism]. Xalq so‘zi. May 10.

4. Shamsutdinov, R., Ishoqov, A. (2013) *Andijon tarixidan lavhalar* [Excerpts from the history of Andijan]. Tashkent: Sharq.

5.Rahimov, M. (1995) *Andijonlik o‘n bahodir* [Andijan is ten values]. Andijon: Matbuot.

6. Ziyoev,H. (2003) Ikkinchi jahon urushi va o‘zbeklar [World War II and Uzbeks].O‘zbekiston adabiyoti va san’ati. No 25.

7. Qandov, B.(2010) Globallashuv jarayonlarining nazariy-falsafiy masalalari [Theoretical and philosophical problems of globalization]. ‘O‘zbekiston tarixi yosh tadqiqotchilar nigohida’. Yosh tarixchi olimlarning ilmiy maqolalar to‘plami [History of Uzbekistan in the eyes of young researchers. Collection of scientific articles by young historians]. Tashkent: O‘zbekiston.

8. Zhalolov, A. (ed.) (2000) *Mustaqillik: Izohli ilmiy-ommabop lug‘at* [Independence: An Annotated Popular Science Dictionary]. Tashkent: Sharq.

9. RUz APSA. Fund-608, List 1, p.100, 132.

10. RUz APSA. Fund -608, List 1a, p. 83, 111, 140, 540, 601.

11.Oblomurodov, N. (1985) *O‘zbekistonning fashistlar okkupatsiyasidan zarar ko‘rgan rayonlarga yordami* [Assistance of Uzbekistan to the regions affected by the Nazi occupation]. Tashkent: Fan.

12. Usmonov, Q., Sodiqov M. (2003) *O‘zbekiston tarixi* [History of Uzbekistan].Tashkent: Sharq.

13. Jukov, G.K. (1972) *Vospominaniya i razmyshleniya* [Memories and reflections]. Moscow: Novosti.

14. RUz APSA. Fund -608, List 2, p. 205, 217, 369, 384, 479, 484, 498.

Муаллиф ҳақида маълумот:

МАМАЖОНОВ Алишер – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти. E-mail: mamajonov0505@mail.ru